**Литвиненко Ирина Анатольевна** – «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси либослар бўйича постановкачи рассоми

**Мадрахимова Зиёда Убайдуллаевна** – Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Маликов Рашид Каримович** – «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси постановкачи режиссёри

**Муллаханов Азим Азизович** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Мусабаев Хусан Касимович** – «Маҳалла» телерадиоканалининг «Телевизион миниатюралар театри» актёри

**Нуратдинова Замира Калбаевна** – Қорақалпоғистон Республикаси лепрозорийси бош шифокори

**Пирматов Серик** – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг амалий графика кафедраси доценти

**Прекешова Анаргул Усеновна** – Мўйноқ туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пржанов Турсунбай Марибжанович** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Самадов Рахматулла Сунатуллаевич** – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси доценти

**Сотникова Татьяна Николаевна** – В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг махсус фортепиано бўлими ўқитувчиси

**Ташкенбаева Неля Валиахмедовна** – театр ва кино актёри, дубляж устаси

**Темиров Амиржон Бобоавезович** – Сўх туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби директори, Фарғона вилояти

**Тошев Даврон Бўронович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом, Бухоро вилояти

**Туйчиева Сайёра Суярқуловна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Тураев Юнус Шарипович** – Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада хонандалиги кафедраси профессори

**Убайдуллаев Рахим Кутфидинович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, пичоқчи уста, Наманган вилояти

**Ўнаров Собир Ҳамзаевич** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Усманов Юлдаш** – «Булбулигуё» фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзоси, Сурхондарё вилояти

**Файзуллаева Элмира Тулкуновна** – Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг синхрон сузиш бўлими мураббийси

**Хайретдинова Фарида Фаритовна** – Андижон олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг волейбол бўйича мураббийси, Андижон вилояти

**Хакимджонов Хатам Халилович** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳузуридаги Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри артисти, бадиий сўз устаси, Фарғона вилояти

**Хамзаев Фахритдин Кутфутдинович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакорлиги устаси, Тошкент шаҳри

**Шукуров Эшқабил Жураевич** – «Маънавий ҳаёт» журнали бош муҳаррири

**Эргашов Жалил Умарович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, хаттот, Самарқанд вилояти

**Юлдашова Нозик Абдусаломовна** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз, Самарқанд вилояти

**Юсупова Венера Исметовна** – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг қўғирчоқ театри санъати кафедраси доценти

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахмедова Мамагул Файзиевна** – Қарши туманидаги «Момогул» фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзоси, Қашқадарё вилояти

**Ешимбетова Айдин Ибадуллаевна** – Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси катта ўқитувчиси

**Камалов Жамалиддин Сайфитдинович** – Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри

**Маматкулов Абдулхамид** – Гулистон ихтисослаштирилган санъат мактабининг халқ чолғулари кафедраси олий тоифали ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Салимова Нигора Абдулкаримовна** – Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Соломонова Светлана Андреевна** – Олмалиқ шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Сохибова Махсуда Мамадиёровна** – Самарқанд вилояти Болалар уйи бош шифокори

**Тоғаева Адолат** – Нуробод туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғини кутубхонаси мудири, Самарқанд вилояти

**Умбаров Салим Шукурович** – Фарғона вилояти спортнинг яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг камондан ўқ отиш бўйича мураббийси

**Холматова Мавлудахон Турсуновна** – Андижон туманидаги 7-мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Холмуратова Одинахон Мамитовна** – Жалақудуқ туманидаги 12-мактабгача таълим муассасаси директори, Андижон вилояти

**Чепрунова Любовь Николаевна** – Республика олий ўсмирлар спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийси

**Шакиров Роман Илдарович** – Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими катта мураббийси

**Юсупов Норкули Турсунович** – Ўзбекистон бел олиш ва учкураш ассоциацияси раиси

### II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Нариев Эдуард Устемирович** – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказининг Жиззах филиали бош шифокори

**Нурова Зоя Рамазановна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири

**Стригина Зарема Суббиевна** – Тошкент вилоятидаги «Металлург» шифохонаси бош шифокори

**Суярова Нурия Эгамбердиевна** – Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмасининг неврология бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

**Юсупалиев Баходир Кахраманович** – Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи

### «СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Артукбаева Нигора Наркўзиевна** – Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 3-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сирдарё вилояти

**Баратова Шаҳзода Абдуллажоновна** – Косонсой туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Рахмонова Гавхар Абдулазизовна** – Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг 12-оилавий поликлиникаси тиббий бригада ҳамшираси, Наманган вилояти

### «КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Базаров Ойбек Суннатович** – Навоий вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси услубчиси

**Гизатуллина Алина Альбертовна** – «Оммавий халқ байрамлари» масъулияти чекланган жамияти қошидаги «Ёшлар балети» гуруҳи артисти

**Хамдамова Сабина Уткуровна** – Ўзбекистон давлат филармониясининг давлат хор капелласи артисти

**Хошимов Даврон Ислом ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекистон давлат симфоник оркестри» давлат муассасаси артисти

**Шерметова Сабохат Бардибой қизи** – Хива шаҳар маданият бўлимига қарашли «Сайқал» фольклор-этнографик халқ ансамбли тўгарак раҳбари, Хоразм вилояти

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахмонова Мехри Қудратовна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари, шоир

**Агажанова Назира Набиевна** – Фарғона вилояти «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат-уйи санитар-энагаси

**Азимов Маъруф Махмудович** – Ўзбекистон давлат филармониясининг «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли созандаси

**Алимарданов Рустам Ғайратович** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Алимова Нигора Исраиловна** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси директори

**Асадов Мансур Мирджамолович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Самарқанд вилояти

**Жонибеков Зиёдулло Тоштемирович** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ахборот узатиш хизмати бошлиғи

**Изамов Джамшид Анварович** – «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси овоз режиссёри

**Исламов Наримон Кабулжанович** – Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт марказининг 2-кардиохирургия бўлинмаси мудири

**Қурбонов Кўчқор** – Чироқчи туманидаги «Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Мамадалиева Саида Фармановна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Мансуров Фуркат Хуснутдинович** – Республика «Усто» уюшмаси таркибидаги «Тошкент бадиий керамика тажриба комбинати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Мирзаахмедов Расулжон Тургунбаевич** – Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи, мато тўқувчи уста

**Мирмахмудова Камола Мирнигматовна** – Олмазор туманидаги 522-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

**Назаров Бахромжон Бахтиёрович** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Раимова Феруза Баходиржоновна** – Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун 1-интернат-уйи тарбиячиси

**Рузметов Алишер Ганиевич** – Ўзбекистон давлат филармониясининг «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Самандарова Сайёра Эркиновна** – Урганч шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Тоғоев Махмуд Абдуллоевич** – Навоий олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийси

**Тоҳиров Ҳамза Бобожонович** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги Шофиркон тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Бухоро вилояти

**Умаров Анваржон Абдурасулович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, бешикчи уста, Андижон вилояти

**Ўринова Махфуза Махамматсалимовна** – Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

**Хайдаров Руслан Ражабович** – «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси давлат муассасаси саҳналаштирувчи режиссёри, Тошкент шаҳри

**Хидирова Баҳор Ҳазратқуловна** – «Янги Ўзбекистон» газетаси мухбири

**Холмуминов Асқар Сайфуллаевич** – Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри

**Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

**Ювакаева Инесса Маратовна** – «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси экскурсоводи, Хоразм вилояти

**Юнусов Акрамхон Хакимжонович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кандакор, Фарғона вилояти

**Яқубов Икрамбай Ўринович** – Хонқа тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими мудири, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 29 август*

# Бу боғлар ҳали бир боғлар бўлгайки...



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси



**1**

Биз – эртак-афсоналарни ўқиб, улғайган авлод, афсоналарда ғойибдан гўзал қасрлар, шаҳарлар пайдо бўлиб қолишига ишониб, ҳайратларга чўмган пайтларимиз кўп бўлган.

Эртак, эртак эди, албатта. Аммо Самарқандда бунёд этилган «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказини кўрганимиздан кейин болалик тасаввурларимизни сеҳрлаган эртаклар ҳақиқатга айланиб кетгандек бўлди гўё!

Бор-йўғи икки-уч йилда қурилган бетимсол обидалар жамланмаси, ростини айтсам, афсона-эртакларни ҳам лол қолдиргудек мафтункор ва салобатли эдики, бу ерга келганлар беихтиёр «Самарқанд энди чинакамига «Ер юзининг сайқали»га айланибди», дея эҳтиросга кўмилганларига сира ажабланмаса ҳам бўларди.

Жаҳон архитектураси ва муҳандислигининг ўхшаши йўқ услуб-у мақомлари асосида қурилган меҳмонхоналар, халқаро конгресс маркази, афсонавий «Боқий шаҳар», юксакларга интилаётган халқимизнинг орзу-умидлари тимсоли бўлмиш баланд минор, экоқишлоқ, ресторанлар, барлар, амфитеатр, мажлислар заллари, бассейнлар, фитнес заллари, сокин кўлда оҳиста чайқалиб турган кема...

Ўн-ўн беш кекса мажмуа ҳовлисида гурунглашиб турибмиз. Маросимнинг бошланишига ҳали бир муддат бор. Ҳамманинг юзида табассум, ҳаяжон; ҳамма қалбида тўлқинланиб ётган дарё-дарё таассуротларни бир-бирига айтгиси, айтиб-айтиб мақтангиси келади. Чўпонота тепалари оша эсаётган кечки нимсалқин шабада майсалар ва навниҳол кўчатлар япроғини эркалайди, силайди. Тилларидан шукроналик тушмайдиган кап-катта кишиларнинг ёш боладек бир-бирига гап бермай тўлқинланишлари завқингни тоширади.

– Самарқандлик биродарлар! – хитоб қилади Тошкент шаҳар нуронийлар кенгаши раҳбари Рустам Калонов. – «Боқий шаҳар» дарвозасига исириқми, кўзмунчоқми илиб қўймасангиз бўлмайди. Худдики, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари шу ерда жамулжам бўлгандай. Бундай улуғ жой жаҳонда йўқ. Авайлаб-асраш зарур бу муқаддас масканни.

– Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг яна бир ютуғи бу! – тошкентлик меҳмоннинг фикрини қувватлайди жомбойлик «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Гулнора Аҳмедова. – Кўз тегмасин, диёримиз ой сайин эмас, кун сайин, соат сайин ҳар жиҳатдан улғайиб боряпти.

– Бир йил аввал туманимизда бўлган киши, бугун уни танимайди, – шоша-пиша давом этади нарпайлик Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Зайнаб Ҳайдарова. – Чиройли уйлар, равон йўллар, мактаблар, боғчалар...

– Зўр мамнуният билан айтиш керакки, ушбу теран, фалсафий ғоя муаллифи, кошонанинг меъмори Президентимиз Шавкат Мирзиёев бўладилар, – дея изоҳлайди сенатор Фармон Тошев. – Президентимиз 2019 йилда мазкур марказни бунёд этиш ғоясини кўтариб чиққан эдилар. Шундан сўнг ишлар бошланиб кетди. Даставвал маҳаллий ва хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида лойиҳа яратилди.

Қурилиш даврида ҳам давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга келганида бу ерда бўлиб, жараённи кузатди. Қурилиш йилнинг тўрт фаслида, тун-у кун, ҳатто, пандемия пайтида ҳам давом этди. Энди республика, Марказий Осиё ва халқаро анжуманларга, фестиваллар, байрамларга мезбон бўлади бу мўътабар маскан. Яна бир неча кундан сўнг ШҲТ саммити, ундан кейин Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви, келгуси йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқаруви Кенгашининг йиллик йиғилиши ҳамда Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ўтказилади. «Боқий шаҳар» юртимизда тинчлик, тотувлик, маданият, санъат, бо-



рингки, жамики эзгуликликларни намойиш этувчи мўътабар минбарга айланади.

– Биздаям ўзгаришлар зўр! – суҳбатга қўшилади Ургут тумани Нуронийлар кенгаши раиси Фармон Азизов. – Оддий игнадан тугмагача четдан олиб келган ургутликларимиз бугун минг хилдан зиёд саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришяпти! Жанубий Корея 20 йил ичида энг саноатлашган давлатга айланган экан. Биз кейинги беш-олти йилда ана шундай ютуқларни қўлга киритяпмиз...

Туғилиб ўсган, беғубор болалиги ўтган жойлар тилга олинганда бир қалқиб кетмайдиган юрак бўлмаса керак. Фармон ака Ургут деганида, пода ўтган чанг-тупроқ кўчалар, пахса деворли пастак уйлар томларида гуллаб ётган қизғалдоқлар кўз олдимдан ўтди; тоғлардан эниб келаётган ариқлардаги сувнинг сеҳрли жилдираши қулоғим остида нафис жаранглаб тургандай туюлди.

Яқинларгачаям қишлоғимиз билан туман маркази орасидаги 15-20 чақиримли тошлоқ йўл ёз бўйи чангиб-тўзиб ётарди. Бир туп қайрағочдан бўлак чайлаям учрамас, дайди шамоллар гир-теваракда қуриган шувоқларни коптокдек у ёқдан бу ёққа думалатиб юрарди.

Энди-чи? Кета-кетгунча иморат. Тўққиз, ўн икки қаватли уйлар, довруғи тоғлардан ошган Жаҳон бозори, коллеж, спорт майдончалари, Ургут иқтисодий зонасини ташкил этувчи саноат корхоналари...

**2**

Шу маҳал улуғвор мажмуага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев кириб келди. Давлат раҳбарининг сокин, салобатли қиёфасида ҳар доимгидек шиддат-шижоат аксланади. Шоҳона мажмуа – мажмуа муаллифига айрича қувонч бағишлагани сезилади.

Беихтиёр ўйлаб қоласан: одам қачон мана шундай фараҳбахш дамларни бошдан кечириши мумкин? Эзгу орзулари ушалиб, гуллаган ва мевалар туга бошлагандами? Ишингдан ўзинг, дўст-у биродарларинг, овулдош-элдошларинг мамнун бўлганида ёки сенга ишонч билдириб, умидвор нигоҳларини қадаб турган меҳнаткаш ва меҳрибон халқингнинг севинчларини кўрганингдами? Ким билсин, Амир Темур ҳазратлари Оқ саройни бино қилганида, Мирзо Улуғбек тарихий расадхонани ишга туширганда, Ялангтўшбий Баҳодирхон Шердорни, Бобурий шоҳ – Шоҳ Жаҳон Жамна дарёси бўйида Тожмаҳални қурганда балки ана шундай бахтиёр лаҳзаларга ҳамроҳ бўлгандир...

Президент нуронийлар билан саломлашиш жараёнидаёқ кўнглидаги қувонч-у армонларини ошкора баён қилиб берди:

– Вилоят ҳокими бўлган вақтимда қадам-бақадам кезиб чиққандим бу жойларни. Конигил дейиладиган бу манзил Самарқанднинг шундай биқинида, ҳавоси тоза, атрофи кенг, шаҳарми, қишлоқми – нима хоҳласанг, ўзинг истагандек қуришинг мумкин. Лекин у пайтларда имконимиз йўқ, қўлимиз калта эди. Шаҳар у ёқда турсин, битта мактаб... – Президент шундай деб илкис Гулнора Аҳмедовага юзланди. – Эсингиздами, мактабингизга шифер олиш қанчалар қийин бўлувди? Буларнинг мактаби энг чекка қишлоқда, эшакларга миниб борганмиз, – давом этди давлатимиз раҳбари. – Бордик. Кўрдик. Аҳвол йиғламоқдан баттар. Сомонсувоқ томдан чакка ўтиб кетган, синфхоналар зах...

– Менга ҳам жуда катта ёрдам бергансиз, – дея Президентнинг сўзларини илиб кетди Зайнаб Ҳайдарова. – Пахта даламизга келганингизда шалоғи чиққан тракторимни кўриб, ичингиз ачиб, сизга янгисини олиб берамиз, дедингиз. Лекин, ростини айтаман, сўзларингизга унча ишонмаганман ўшанда. Чунки бунақа ваъдалар бошқа раҳбарлар томонидан ҳам бир неча марта айтилувди-да. Уч кундан кейин даламизга қип-қизил, яп-янги трактор кириб келган.

– Эштурди, сиз телевизорда доим баланд овозларда гапирасиз? Сабаби борми?

Нурободнинг Жом қишлоғилик оқсоқол Эштурди Раҳимовнинг жавоби тил учида тайёр турган экан:

– Сиз теп-текис кўчалар қуриб берганингиздан кейин мен баланд гапирмай, ким гапирсин ҳурматли Шавкат Миромонович! – самимий жавоб даврада беғубор кулгига сабаб бўлди. – Ҳурматли Президент, Сизнинг топшириғингиз билан қарийб йигирма чақирим ўйдим-чуқур йўлимизга асфальт тўшалди. Ёш-у қари, етти ёшдан етмиш ёшгача – ҳамма дуода.

– Орқада қолган ҳар бир из – тарих. Эришганларимиз энди ўзимизнинг абадий мулкимиз бўлиб қолади, – деди Эштурди ака гапираётганда унга тикилиб сўзларини тинглаб турган Президент қаноатланиб ва мўъжазгина кулимсираб. – Қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Энг муҳими, тинчлик. Дунё симобдай қалқиб турганда ортиқча биргина ҳаракат, бошбошдоқлик, манманлик, кибр-у ҳаво тумани бугун бизга қимматга тушиши мумкин, буни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Лекин қандай таҳликалар бўлмасин, халқимизни рози қилишимиз, Ватанимизни энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишимиз зарур. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур буюк давлатга асос солган эди. Даврлар ўтиб, Худо хоҳласа, мана, биз тағин жонажон ўзбек диёримизда қудратли давлат бунёд этяпмиз.

**3**

Театрга жойлашиб улгурмасимиздан давлат раҳбари шахдам одимлар билан минбарга чиқиб келди.

Очиқ осмон остидаги томошагоҳни бир зум сув қуйгандек жимлик қоплади, сўнг давлат раҳбарининг забардаст овози янграtimes:

«Ассалому алайкум, ҳурматли Самарқанд аҳли!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун сиз, азизлар билан барчамиз учун қадрли бўлган Самарқанднинг янги қиёфасини белгилаб берадиган муҳташам мажмуа – «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида учрашиб турганимдан хурсандман».

Президент 212 гектар майдонни эгаллаган туризм маркази тарихи, қурилиши, аҳамияти ҳақида сўзлаётганида, мажмуада кўрганларим: 8 та замонавий меҳмонхона, конгресс холл, гўзал мажлислар заллари, маданий, гастрономик, тиббий, ишбилармонлик, туризм объектлари, шарқона чойхоналар, савдо расталари, дам олиш даргоҳлари, сув ҳавзалари, 60 метр баландликка сув сачратувчи фаввора, минглаб манзарали дарахтлари шамолда солланиб турган зангор боғ, гулларга бурканган хиёбонлар кўз олдимда қайта жонланди.

Биргина «Samarkand Regency Amir Temur» меҳмонхонасининг ўзида 233 та хона мавжуд. 22 қаватдан иборат, беш юлдузли бу меҳмонхона жаҳоннинг етакчи меҳмонхоналари ассоциациясига киритилган Марказий Осиёдаги биринчи ва ягона меҳмонхона ҳисобланади. Конгресс маркази эса бир пайтнинг ўзида 3500 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Карвонсаройни айланган киши худди эртак-афсоналар оламига тушиб қолгандек сезади ўзини. Унда шарқона қадимий бозор, Ўзбекистоннинг барча вилоятларига хос ҳунармандлик устахоналари қурилган. Амалий санъат усталари, рассомлар, кулоллар, темирчилар, Самарқанд қоғозини тайёрловчилар, гилам тўқувчилар, заргар ва ипакчиларга ажратилган хоналарнинг барчаси керакли ускуналар билан жиҳозланган. Улар шу ерда сайёҳларга аждодларимиз томонидан неча-неча асрлар давомида мангу мерос сифатида сақлаб келинган ва бугунги кунда ҳам авлодларимиз давом эттираётган халқ амалий санъати дурдоналарини намойиш этадилар.



Тарих ва келажак, Ғарбу Шарқ чорраҳасидаги ғаройиб мўъжизага айлангувчи бу масканнинг яна бир ибратли жиҳати шундаки, у мамлакатнинг туризм салоҳияти юксалишида, хусусан, Самарқандга келувчи сайёҳлар сонини келгуси йилларда 1,5 миллиондан ошириш, мамлакатимизга ташриф буюрувчилар сафини эса 2 миллиондан 9 миллионга кўпайтириш ҳамда соҳада меҳнат қилувчилар сонини 500 мингга етказишда муҳим бўғин вазифасини адо этади.

Азал-азалдан илм-у фан, маданият ва маърифат қўрғони саналган Самарқанднинг барча кўчаларида, маҳалла-гузарларида, туман ва қишлоқларида ҳам бугун ҳайратомуз ишлар амалга оширилмоқда.

Очиқ китоб – очиқ қалб шаклида, Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асари муқоясида барпо этилган Самарқанд халқаро аэропорти тамомила бошқатдан қуриб, ишга туширилди. Бир кунда 70 та самолётга хизмат қиладиган тайёрагоҳ келажакда 120 та учоқни бемалол кутиб-кузатиб қўяверади.

Энди мана бу рақамларга эътибор берайлик: сўнгги йилларда 1083 километрга чўзилган «Олмаота – Бишкек – Тошкент – Шаҳрисабз – Термиз» магистрал автомобиль йўлида янги йўл ўтказгичлар қурилди. Шаҳарнинг бир қанча кўчалари кесишган нуқталарда ерости йўллари барпо этилди. «Қорасув» массивидаги 100 минг киши яшайдиган кўп қаватли уйларга, «Янги Ўзбекистон» массивидаги 1294 квартирали 36 та кўп қаватли иморатга аҳоли кўчиб кирди. Воҳада яна 4420 та хонадондан иборат 90 та кўп қаватли уй қад ростлаётир. Мактаб, мактабгача таълим ва олий ўқув юртлари соҳасида эса жорий йилнинг шу кунигача 193 та объект қурилди ва таъмирланди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида 28 та қишлоқ ободонлаштирилди. Яна 32 та қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси учун 382,6 километр узунликда сув тармоқлари тортилиб, 185 километрлик йўллар асфальтланмоқда. Пастдарғомда ўтган йили иккита цемент заводи ишга туширилган эди. Ҳадемай кунига 500 тонна цемент ишлаб чиқарадиган яна бир завод фойдаланишга топширилади. Жомбойликлар интенсив боғлардан, ўрмон хўжалиги ходимлари эса олимлар билан ҳамкорликда фармацевтика саноати маҳсулотларидан катта-катта даромадлар олишмоқда.

Бунёдкорликлар баробарида кўплаб қадимий обидалар, мадрасаю масжидлар, хонақоҳу мақбаралар, минораю бошқа ноёб архитектура ёдгорликлари, жумладан, Регистон, Шоҳи Зинда, Амир Темур, Бибихоним, Хожа Дониёл, Руҳобод, Ҳазрати Хизр, Расадхона, Даҳбед, Нодир девонбеги, Хўжа Аҳрор Валий, Мотуридий мақбараси тарихий қиёфасига уйғун равишда қайта таъмирланди, ислом оламининг табаррук зиёратгоҳларидан бири бўлган мўътабар қадамжо – Имом Бухорий мажмуаси янгидан бунёд этилаётир.

Президент маърузасида «Боқий шаҳар» бинолари безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилгани, хусусан, Афросиёб номи тилга олинганда, хаёллар мени яна олис-олисларга олиб кетди. Неча минг йиллар наридаги жангу жадаллар, учқур отларнинг жон ҳолатда кишнашлари, қиличбозу найзабозларнинг даҳшатли ҳайқириқлари қулоқларим остида эшитилгандек бўлди.

Ана, турк элининг бош Алпи, алпларнинг сардори Алп Эр Тўнга – Афросиёб. Турон давлатчилиги пойдеворига асос солган, давлат арбоби ва моҳир саркарда, йўлбарс каби кучли баҳодир Алп Эр Тўнгани биз узоқ йиллар бир эртак қаҳрамони – афсонавий шахс деб юрдик. Ваҳоланки, қомусий олим ва буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний, узоқ замонларда яшаб ўтган бобокалонларимиз Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий ўз асарларида Алп Эр Тўнгани тарихий шахс сифатида тасвирлаганлар. Афросиёб даврида Турон давлатининг ҳудудлари Ғарбда Қора денгиз соҳилларидан шарқда то Байкалгача, шимолда Урал дарёси ва Тайганинг қалин ўрмонларигача, жануби-шарқда Шимолий Хитой ва жануби-ғарбда Шарқий Эрон ҳудудларигача чўзилиб кетган эди.

Туронзаминдаги жамики туркий халқларни бир давлат қилиб бирлаштирган улуғ саркардани Эрон шоҳи Кайхусрав зиёфат пайтида майга заҳар қўшиб бериб ўлдиради. Алп Эр Тўнга ишонувчанлиги ва соддадиллиги учун душманларнинг макр-ҳийласи қурбони бўлади. Хоқоннинг ухлаб ётган лашкарбошилари ҳам тиғдан ўтказилади. Бу не куйбатки, соддалик, самимият ва ишонувчанлик турк элига туғма одат бўлган экан-да...

Мана шу гаплардан кейин неча юз йиллар ўтиб кетганига қарамай, буюк алп – Алп Эр Тўнга – Афросиёбни афсонавий қаҳрамон деган бўҳтонга ишонувчи олимларимиз ҳалигача бор...

Амфитеатрда Ўзбекистон Президентининг хитоби мағрур жаранглади:

– Азим Самарқандимиз, жонажон Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган танти ва меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин!.

Байрам тантаналари «Боқий шаҳар достони» деб аталгувчи мусиқали композиция билан давом этди.

Ватанимиз ялови бутун дунё узра ҳилпираб турганига 31 йил тўлиши арафасида Самарқанднинг «Буюк Ипак йўли» мажмуасидан таралган наволар тонгга довур баланд тоғлар оша олис-олисларда акс-садо бериб турди.

**4**

Самарқандлик бўлганим боис, мен мажмуа ўрни яқин-яқингача қандай кўринишда бўлганини яхши биламан. Тошлоқ жойда мана бундай афсонавий шаҳарнинг барпо этилиши Янги Ўзбекистон нималарга қодир эканини жаҳонга бaралла айтди, кўрсатди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг меҳнати, тафаккури, ижодий изланишлари туфайли дунёга келган бу марказни, бадиий ташбеҳга ўраб айтадиган бўлсак, бир муҳташам боққа қиёслаш мумкин. Амир Темур замонидаги Самарқанд боғлари орадан салкам 600 йил ўтиб яна жамол кўрсата бошлади.

Тарих ва келажак, Ғарбу Шарқ чорраҳасидаги ғаройиб мўъжизага айлангувчи бу масканнинг яна бир ибратли жиҳати шундаки, у мамлакатнинг туризм салоҳияти юксалишида, хусусан, Самарқандга келувчи сайёҳлар сонини келгуси йилларда
**1,5 МИЛЛИОНДАН ОШИРИШ**,
мамлакатимизга ташриф буюрувчилар сафини эса
**2 МИЛЛИОНДАН 9 МИЛЛИОНГА**
кўпайтириш ҳамда соҳада меҳнат қилувчилар сонини
**500 МИНГГА**
етказишда муҳим бўғин вазифасини адо этади.

Ақл даҳосининг бус-бутун жамул-жами, самовий манзаралар, жавоҳиротлар маскани бўлмиш бу боғларда:

бўғзида армонлари тошдек қотиб қолган аждодларнинг азобли ҳайқириқлари;

буюк боболаримизнинг мозор тошларигача ўмариб кетган сур қароқчилар ортидан мунғайиб қараб қолган дарғазаб нигоҳлар;

минг-минг йиллик ашёларнинг сокин ва сирли суҳбатлари;

оқсоқолларнинг дуолари-ю, ёш авлоднинг ёрқин келажакка бўлган ишончли наъралари мужассам.

Бундай боғлар ҳамма вилоятларда бунёд этилади.

Шиғил-шиғил мевалари билан еру самони мафтун қилади ҳали бу боғлар.

Бу боғларнинг боғбони соҳибқирон бобомиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ялангтўшбий Баҳодирхон сингари Ватан тарихида, миллат қалбида абадий ардоқларга, мангу дуоларга кўмилади. Боғ-у боғбон ҳақида қасидаю достонлар битилади. Султония, Бағдод, Қоҳира, Шероз, Дамашқ дейилмиш нуроний Шарқнинг оқсоқол кентлари, аҳли олам қуллуқ бўлсинга келади. Бу боғлар шу қадар мумтозу кабирки, агар мўъжиза рўй бериб, Амир Темур ҳазратлари замонамизга келиб қолгудек бўлсалар, ҳеч шубҳасиз, ҳайрату ҳаяжон ила, тасанно, деган бўлар эдилар...

Янги Ўзбекистонимизнинг Учинчи Ренессанс сари ташлаган яна бир қадамининг ёрқин нишонаси, кўнгилларни ғурур, фахр-у ифтихор ҳаволарига тўлдиргувчи муҳташам боғлар абадий яшнаб, гуркирайверади!

Бир шеърда айтилганидек, бу боғлар ҳали бир боғлар бўлгайки...

Фарғона вилояти

Ёзги соғломлаштириш

# ДУНЁНИ ТЎЛДИРГАН ШОДЛИК




**Бу йил ёзги соғломлаштириш мавсумида Фарғона вилоятидаги 20 та оромгоҳда 11 МИНГ 600 НАФАРДАН зиёд ёшлар мароқли дам олишди**



**Эркинжон НУРАЛИЕВ,** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси

Айтиш мумкинки, эсда қоларли воқеалар кўп бўлди. Анклав ҳудудда жойлашган Сўх туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 5 гектар майдонда замонавий типда бунёд этилган «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг фойдаланишга топширилиши ушбу ҳудуд болаларига Президентимизнинг ажойиб туҳфаси бўлди.

Ушбу масканда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 27 миллиард 560 миллион сўм маблағ йўналтирилди. 200 ўринга мўлжалланган мазкур оромгоҳда ёзги мавсумда 700 нафардан зиёд болажон мароқли ҳордиқ чиқаришди. Биринчи навбатда, янги оромгоҳда тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг 200 нафари бепул соғломлаштирилди.

Шунингдек, яна бир анклав ҳудуд ҳисобланган Шоҳимардон қишлоғида шу номда болалар оромгоҳининг очилиши маҳаллий аҳоли учун йилнинг энг қувончли воқеасига айланди. Аввалги номи «Ипакчи» бўлган мазкур оромгоҳ 1998 йилгача ишлаб, кейин бутқул ёпилган эди. Орадан 24 йил ўтиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг хайрли ташаббуси билан ушбу оромгоҳ шоҳимардонлик ўғил-қизлар учун ўз эшикларини қайта очди. Чор атрофи пурвиқор тоғ билан ўралган сўлим оромгоҳда жорий мавсумда 3 навбатда Фарғона тумани, хусусан, Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлари дам олдирилди. Вилоят ёшларидан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан қорақалпоғистонлик 300 нафар ўғил-қиз ҳам ёзги таътилни Қўқон шаҳридаги «Коинот» болалар оромгоҳида ўтказди.

Кези келганда айтиш керакки, Қирғизистон Республикаси билан самимий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг ташаббуси билан икки қардош халқнинг яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қирғизистонлик 54 нафар ўғил-қиз Фарғона туманининг қир-адирлар қўйнида жойлашган «Тонг» болалар оромгоҳига ҳордиқ чиқариш учун таклиф этилди. Улар 12 кун давомида ўзбекистонлик тенгдошлари билан бир оила фарзандларидек мароқли ҳордиқ чиқаришди.






Айтиш жоизки, оромгоҳларда болалар саломатлиги, тозалик ва озодалик, озиқ-овқатларнинг сифати шифокорларнинг доимий назорати остида бўлди. Энг асосийси, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Турли маданий, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари эса уларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини, жисмонан соғлом ва ақлан етук бўлиб камол топишларига хизмат қилди, дейишимиз мумкин.

Барча оромгоҳларда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида тўгараклар мунтазам равишда фаолият юритди. «Ҳумо» оромгоҳида 1162 нафар, «Коинот»да 1296 нафар, «Кимёгар»да 1343 нафар, «Ниҳол»да 901 нафар ва «Чимён» оромгоҳида 709 нафар ўқувчилар ёзни завқли ўтказишди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг мингдан ортиқ фарзанди бепул йўлланмалар асосида дам олдирилди. Оромгоҳларда ташкил этилган 50 дан ортиқ тўгараклар болаларни ватанпарварлик, миллий ғурур руҳида баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг китобхонликка, чет тилларни ўрганиш ва спортга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мароқли таътилдан янги ўқув йилига отланган ёшлар, албатта, аъло баҳоларга ўқиб, дарсларни пухта ўзлаштириб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган комил инсонлар бўлиб камолга етишишларига ишонамиз.




Қашқадарё вилояти

**Маданият, спорт туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутасаддилари Қашқадарё вилоятидаги бошланғич ташкилотлар раҳбарлари, касабаҳўм етакчилари ҳамда соҳа фахрийлари билан учрашдилар.**

Очиқ мулоқот

# ЯНАДА ЯҚИНРОҚ ТАНИШУВ

Тадбир Қарши ихтисослаштирилган санъат мактабида очиқ мулоқот шаклида, ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси Шуҳрат Деҳқонов йиғилганларга тузилганига икки йил бўлган кенгашнинг фаолияти, амалга оширган ишлари, навбатдаги режа ва вазифалари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Жумладан, шу давр оралиғида аъзолар сони 68 мингдан 103 минг нафарга етгани, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, фахрийларни эъзозлаш борасида олиб борилаётган ишлар, тармоқдаги вазирлик ва уюшмалар билан ҳамкорлик самаралари хусусида алоҳида тўхталди. Ўз навбатида, Қашқадарё вилоятида уюшма аъзолари сони 6 минг нафарга яқинлашганини, эндиликда бу кўрсаткични янада кўпайтириш чоралари кўрилаётганини қайд этди. Иш берувчи ва касаба уюшма қўмиталари раисларини эса имзоланган Жамоа шартномаси бандларини чуқурроқ ўрганишга ва локал ҳужжатдан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси йўлида кенгроқ фойдаланишга чақирди.

Сўнгра ташкилотнинг бош юрисконсульти Орифжон Ғоибназаров йиғилганларга меҳнат қонунчилиги, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тегишли тавсиялар берди. Ҳар бир ариза ортида инсон қадри, унинг оиласи тақдири турганига эътибор қаратди.

Очиқ мулоқот ниҳоясида соҳа фидойиларига Республика кенгашининг ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

# Таътилнинг унутилмас таассуротлари

**Бу йилги мавсумда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги соғломлаштириш оромгоҳларида – «Максам-Чирчиқ» АЖ тасарруфидаги «Кимёгар», «Фарғонаазот» АЖ тасарруфидаги «Кимёгар», «Навоийазот» АЖ тасарруфидаги «Офтобжон», «Аммофос-Максам» АЖ тасарруфидаги «Чимён», «Деҳқонобод калий заводи» МЧЖ тасарруфидаги «Ёш кимёгар» ҳамда «Андижон биокимё заводи» АЖ тасарруфидаги «Бўстон» оромгоҳларида 5424 нафар бола соғломлаштирилди.**

Ҳар бир корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари учун оромгоҳларга йўлланмалар имтиёзли нархларда берилди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларнинг 42 нафар фарзандига бепул йўлланмалар ажратилди.

Шунингдек, Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган «Офтобжон» оромгоҳида қорақалпоғистонлик 230 нафар бола соғломлаштирилди. Уларнинг мароқли дам олишлари учун махсус дастур асосида бир қатор тадбирлар уюштирилди.

Ҳар бир оромгоҳда мавсум давомида болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратилди. Мавсум давомида оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар, спорт мусобақалари ўтказилди.

«Ёз – 2022» мавсуми оромгоҳларда дам олган болажонлар ҳаётида чуқур из қолдирди. Энди улар янги ўқув йилига янги куч ва янги ғайрат билан боришади.

**Шуҳратилла РИХСИБОЕВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Тошкент вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

# 44 ОИЛА ҚУВОНЧИ

**Ўрта Чирчиқ туманининг «Фаровон» маҳалласида барча қулайликларга эга тўрт қаватли бино эҳтиёжманд оилаларга уй-жой учун ажратилиб, вилоят ҳокимлиги, туман мутасаддилари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида хонадон калитлари тантанали равишда топширилди. Уйли бўлганларнинг 23 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган.**

Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби юксак инсонпарварлик ва ғамхўрлик мамлакатимизда инсон қадри учун қилинаётган ислоҳотларнинг яққол ифодаси эканини таъкидлашди.

– Бошпанасиз эдим. Ёлғиз онаман, эндиликда қизим билан энг бахтлилар қаторида ҳис қиляпман ўзимни. Менга бундай имкониятни берган барча яхши инсонларга миннатдорлик билдираман, – дейди Наргиза Исматова.

Уй тўйи яна бир эзгуликка уланиб кетди. 17 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига велосипед совға қилинди.

**Шоира ОХУНЖОНОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси




Тошкент шаҳри

Туҳфа

# Байрамга муносиб совға

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан соҳадаги ташкилотларда фаолият юритаётган, кам таъминланган, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маънавий рағбатлантириш учун ходимларнинг ўғил-қизларига ўқув қуроллари ва дарсликлар улашилди.

Бу Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами арафасида фарзандларга муносиб совға бўлди.

**Раъно МАҲКАМОВА**
«ISHONCH»



Тадбир



# «АГЕНТЛИК ШОҲСУПАСИ»ДА ҒОЛИБЛАР

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортга бўлган қизиқишни янада орттириш мақсадида «Ўзархив» агентлиги касаба уюшмаси «Оқтош» оромгоҳида спорт мусобақаси ўтказди.

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шиори доирасида ташкил этилган мазкур мусобақада иштирокчилар шахмат бўйича «Агентлик шоҳсупаси» республика турнири ҳамда «Агентлик директори кубоги» учун мини футбол бўйича куч синашдилар.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувларда ғолибликни қўлга киритган спортчиларга касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Мастура ХОЖИМЕТОВА,**
«Ўзархив» агентлиги фахрийлар кенгаши аъзоси

Сана

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ташкил этилганига 100 йил тўлгани муносабати билан соҳа мутахассислари, ходимлари учун байрам ташкил этилди.**

# Заҳматли меҳнатлар эътирофи

Тадбирда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари ҳам иштирок этиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларга эсдалик совғалари улашди.

– Институтда 327 нафар илмий-техник ходим, жумладан, 117 нафар илмий, 1 нафар академик, 23 нафар фан доктори ва 47 нафар фан номзоди меҳнат қилмоқда, – дейди институт директорининг ўринбосари Шодмон Номозов. – Олимлар томонидан ўтган 100 йил давомида ғўзанинг 442 та нави яратилиб, улардан 101 таси турли даврларда амалиётга татбиқ этилган. Хусусан, Мустақиллик йилларида 250 дан ортиқ ғўза нави яратилиб, шундан 41 таси районлаштирилган. Илмий соҳага берилаётган алоҳида эътибор туфайли кейинги беш йилда 51 та ғўза нави яратилди. Касаба уюшмалари томонидан бизга қаратилаётган эътибордан, ўзаро ҳамкорликдан миннатдормиз.

Тадбир давомида олимларнинг эзгу ишлари кўп бора эътироф этилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Қадрли ватандошларимизни ва ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимларини энг улуғ айём – **Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги билан қутлайди!**

Сизларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, рўзғорингизга қут-барака тилаймиз. Соғлик-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизда улкан зафарлар сиз азизларни ҳеч қачон тарк этмасин!



31 yil

Мустақиллигимиз бардавом бўлсин!

# Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

*Барча юртдошларимизни ҳамда халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида чин дилдан меҳнат қилаётган соҳа вакилларини*

**Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан**

*самимий муборакбод этади!*



Меҳнатингиз самарасидан ҳамиша кўнглингиз тўлсин! Пок ниятларингиз ижобат бўлсин! Соғлик-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларингизда улкан ютуқлар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин! Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик абадий бўлсин!

31 yil

Қашқадарё вилояти

**Яккабоғ туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шиори остида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказди.**

Тадбир




# ШУҒУЛЛАН ВА ҒОЛИБ БЎЛ!

Унда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи ходимлар спортнинг волейбол, стритбол, стол тенниси, бадминтон турлари бўйича беллашдилар.

Баҳсларнинг тармоқлар кесимида ташкил этилгани қизиқишни янада оширди.

Якунда таълим ва фан ходимларидан тузилган терма жамоа биринчи, маданият, туризм ва спорт жамоаси иккинчи, кимё ва фармацевтика тармоғи хизматчилари эса учинчи ўринни жой эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят кенгашининг дипломлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Мусобақа ғолиблари эндиликда Самарқанд вилояти мезбонлик қиладиган спартакиаданинг республика босқичида ўз омадларини синаб кўришади.

**Файзулла МАҲМУДОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

# Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси

31

*Барча юртдошларимиз, хусусан, эл саломатлигини таъминлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини энг улуғ, энг азиз айём Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан самимий қутлайди.*

**Шу қутлуғ дамларда барча пок ниятларимиз ижобат бўлишини, Яратганнинг ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғулари янада зиёда бўлишини ният қиламиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин! Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файз-у барака ҳеч қачон аримасин!**






## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қўшработ тумани кенгаши жамоаси

*Барча юртдошларимизни, хусусан, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган педагог ходимларни* ***Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллик байрами билан самимий қутлайди.*** *Шу қутлуғ кунларда эзгу ниятларимиз мудом ижобат бўлишини, Яратганнинг ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғулари янада зиёда бўлишини сўраб қоламиз. Ҳаммамизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин! Байрам барчамизга муборак бўлсин!*




*Ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг*

**31 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ**

*билан самимий табриклайди. Юртимизни, кўнглимизни, хонадонларимизни байрамона кайфият ҳеч қачон тарк этмасин. Барчамизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар, оилавий тинчлик-хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!*






**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ** *(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ** *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ** *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК** *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррирлар:**
А. Ҳайдаров,
А. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳлар:**
Д. Худойберганова,
Д. Равшанова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **03:10**
Топширилди – **03:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **Г-806**
**31553** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130